

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

22-сон
(1198)
2025 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

270. ««Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги ПФ–90-сон Фармони
271. «Мебель ва ёғочсозлик саноатининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 майдаги ПҚ–193-сон қарори
272. «Ногиронлик пенсиялари ва компенсацияларни тайинлашда проактив хизматларни жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 майдаги ПҚ–194-сон қарори
273. «Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши кура-

шиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги ПҚ–197-сон қарори

Учинчи бўлим

274. «Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 майдаги 329-сон қарори
275. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришни янги тизим доирасида ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 майдаги 332-сон қарори
276. «Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш тартибини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 майдаги 338-сон қарори

Бешинчи бўлим

277. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 22-maydagi 14-mh-son “Mediatorlarni tayyorlash dasturiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 26-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3134-2*)
278. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 2-сон “Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3625*)
279. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг 2025 йил 22 майдаги 2025-08-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги 259-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 16 майдаги 11/2-сон “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-6*)
280. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2025-yil 15-maydagi 16-son va Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 6-maydagi 17-son “Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga

o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2472-4*)

281. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-
зирининг 2025 йил 25 апрелдаги 11-2025/Б-сон “Ўзбекистон Респу-
бликаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан
қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгар-
тиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 28 майда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 3626*)
282. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi 15-mh-son
“Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish
to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
tomonidan 2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami
3467-4*)
283. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi 16-mh-son
“Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi rejalashtirilayotgan
tadbirlari haqida xabardor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish
va qo'shimchalar kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi,
ro'yxat raqami 3020-2*)
284. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
23-maydagi 261-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 15-maydagi 2025-10-son
“Donni saqlash, quritish, tozalash, tashish va qayta ishlash jarayonidagi
kamayish va yo'qotishlarni qoplash uchun moliyaviy zaxirani shakllantirish
va undan foydalanish to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi
qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1683-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

270 «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислоҳотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, ўрмонлар ва яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ва чўлланишга қарши курашиш ишларини тизимли амалга ошириш, шунингдек, мазкур йўналишларда ягона давлат сиёсатини юритиш ва мувофиқлаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлиги, яшовчанлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини оширишнинг 2026 йил 1 январдан бошлаб мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) давлат ўрмон хўжаликларида республика ҳудудларининг иқлим шароитига мос дарахт турларининг замонавий селекция усулларида фойдаланиб сифатли ва кафолатланган уруғларни етиштириш ҳажмини 1,5 бараварга ошириш;

(б) уруғчилик лабораторияларида республика ҳудудларининг иқлим шароитига мос ўсимлик турларидан оналик плантацияларини ташкил қилиш;

(в) давлат ўрмон хўжаликлари томонидан етказиб берилаётган кўчатлар ҳажмини 2 бараварга ошириш.

II. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ташаббуслар

2. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини ошириш, «Яшил макон» электрон платформасида очиқликни таъминлаш ва рақамлаштиришга қаратилган қуйидаги механизмлар жорий қилинсин:

(а) аҳоли ташаббуси билан дарахт экилиши мумкин бўлган аниқ ҳудуд (туман (шаҳар), кўча, ер участкасининг координаталари), сув таъминоти, кейинчалик парвариш қилиш имконияти ва дарахтларнинг турларини кўрсатиш;

(б) «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси-

нинг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка «ҳар бир тийин сарфланишини кузатиш» тамойили асосида онлайн етказиш;

(в) дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатнома бериш юзасидан мурожаат қилган шахс тўғрисида маълумот, кўчирилиши ёки кесилиши таклиф этилаётган дарахт ва кўчириш (кесиш) сабаби, аниқ манзили, жойлашуви, фото- ва видеотасвирларини акс эттириш;

(г) ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини қонунга ҳилоф равишда кесган ёки йўқ қилган шахслар томонидан компенсация сифатида экилган дарахт ва бута кўчатлари ҳисобини юритиш тизимини жорий қилиш;

(д) дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесган жисмоний ва юридик шахслар, ушбу ҳуқуқбузарликлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар бўйича «Яшил макон» электрон платформасига доимий равишда маълумотлар киритиб бориш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) «Менинг боғим» лойиҳаси доирасида яшил боғлар барпо этишга камида бир гектар, яшил жамоат парклари учун ярим гектардан ер майдонлари ажратилади;

(б) компенсация ёки мажбурият тарзида экиладиган дарахт ва буталар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) томонидан белгиланадиган ер участкаларида Ўрмон хўжалиги агентлиги буюртмачилигида белгиланган тартибда аниқланадиган лойиҳалаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳалар асосида давлат ўрмон хўжаликлари — пудрат ташкилотлари томонидан экилади. Бунда:

(i) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари компенсация ёки мажбурият тарзида кўчат экилиши режалаштирилган ер участкаларини ажратади;

(ii) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(iii) компенсация ёки мажбурият тарзида кўчат экиб берадиган шахслар шартнома асосида дарахт ва бута кўчатларини экиш, белгиланган муддат давомида парваришlash харажатларини давлат ўрмон хўжаликлари — пудрат ташкилотларига тўлаб беради.

III. Ўрмонларни бошқариш ва чўлланишга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш

4. Экология вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги негизида Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Ўрмон агентлиги) ташкил этилсин.

5. Белгилансинки, Ўрмон агентлиги:

(а) барча ўрмонларнинг давлат ҳисобини ҳамда давлат ўрмон кадастрини тузади ва юритади;

(б) «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, кўчатчиликни ривожлантириш, дарахт ва бута кўчатлари питомникларини кўпайтириш бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб ўрмон фонди ер майдонлари алоҳида муҳофаза этилади ва уларнинг тоифасини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7. Қўйидагилар:

(а) Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

(б) Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш, ушбу йўналишда устувор чора-тадбирларни белгилаш ва соҳани ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Яшил макон» электрон платформасида 2026 йил 1 сентябрга қадар чўл ва ярим чўл ҳудудларида яшил майдонларни кўпайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилишининг натижасини ҳар чоракда кузатиш ҳамда ушбу ҳудудларда экологик ҳолатни тизимли мониторинг қилиб бориш имконияти яратилишини таъминласин.

IV. Малакали мутахассисларни тайёрлаш

9. Белгилансинки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ва унга бириктириладиган «яшил» техникумларда:

(а) ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида йўлга қўйилади;

(б) илмий-амалий машғулотларни ташкил қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ботаника ёки дендрология боғлари барпо этилади;

(в) уруғчилик, кўчатчилик, иқлим ўзгариши соҳаларида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилиб борилади.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳақимов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 май,
ПФ–90-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 30 майдаги
ПФ–90-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга
қарши курашиш агентлиги фаолиятининг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Қуйидагилар Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) ўрмонларни барпо этиш, қайта тиклаш, ўрмон бойликларини кўпайтириш, муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш;

в) ўрмон хўжалиги фаолияти соҳаси давлат бошқаруви тузилмасини янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий шакллари ишлаб чиқиш;

г) ўрмон хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун инвестициявий жобадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

д) глобал иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

е) ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шу жумладан, тоғ, чўл ва яйловларда озучабоп ўсимликлар турларини кўпайтириш ва озуча миқдорини бойитиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда ерлар деградацияси жараёнларининг олдини олиш, шунингдек, тоғ, чўл ва яйловларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

ж) ўрмон фонди ерларида табиий ҳолда ўсувчи доривор, озучабоп ва техник ўсимликларнинг питомник ва плантацияларини яратиш;

з) «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган тадбирларни ташкил этиш ва ижросини таъминлаш;

и) дарахт ва буталар касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши ку-

рашиш, уларнинг олдини олиш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш;

к) манзарали дарахт ва бута уруғчилиги ҳамда кўчат етиштириш тизими-ни ривожлантириш, кўчатчиликда «in-vitro» лабораторияларини кенг жорий этиш, манзарали дарахт ва бута уруғлари ҳамда кўчатларини сертификатлаштириш ҳамда стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш;

л) чўлланишга қарши курашиш тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

м) ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни ошириш;

н) ўрмонлардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларнинг ер устида ва авиация ёрдамида қўриқланишини ташкил этишни назорат қилиш;

о) соҳада замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали «Ақлли» ўрмон хўжалиги (Smart forestry) ва рақамли технологияларни жорий қилиш;

п) ўрмонларни тиклаш, қайта тиклаш ва ҳимоя ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш;

р) ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, уларни Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштириш чораларини кўриш;

с) агроўрмончиликни ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

т) ўрмон хўжалиги соҳасини институционал таҳлил қилиш ва соҳага бозор тамойилларини жорий этиш;

у) Ўрмон агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, мол-мулкларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида самарали бошқариш;

ф) халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар томонидан грант ва қарзлар жалб қилинишини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш;

х) бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан хорижий консультант ва экспертларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

271 Мебель ва ёғочсозлик саноатининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мебель ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортни рағбатлантириш, шунингдек, соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2025 — 2028 йилларда мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) мебель ва ёғочсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга ошириш;

(б) экспорт ҳажмини 100 миллион АҚШ доллариға етказиш;

(в) умумий қиймати 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

(г) соҳада 50 минг нафар аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш.

II. Имтиёзлар

2. 2029 йил 1 январга қадар 1-иловага* мувофиқ мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божи 1 фоиз ставкада қўлланилсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси уч ой муддатда мебель саноатида фойдаланиладиган, ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, шунингдек, олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган технологик асбоб-ускуналар дистрибьюторлар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинганда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ базасини мазкур асбоб-ускуналарни сотиб олиш нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб аниқлаш тартибини жорий этиш юзасидан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. 2025 йил 1 июлдан бошлаб ўз хонадонида фаолият юритадиган якка тартибдаги тадбиркорларга мебель маҳсулотларини тайёрлаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2025 йил 1 августга қадар ёғоч қириндиллиги ҳамда ёғоч толали плиталарнинг (ТИФ ТН 4410 ва 4411 товар позициясидаги маҳсулотлар, бундан пол, девор ва шифт қопламалари мустасно) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибини соддалаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

(а) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз мебель маҳсулотлари билан халқаро кўргазмаларда иштирок этишида бир корхона учун амалдаги ижара харажатлари қопладиган майдон ҳажмини ошириш;

(б) мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан муҳандис-технолог, лак ва бўёқ сепиш устаси, дизайнер каби хорижий мутахассислар жалб қилинганда уларнинг иш ҳақи бўйича харажатларни қоплаш;

(в) тайёр мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун халқаро сертификатларни (ISO, CE, BIFMA, OEKO-Tex Standard 100, Greenguard каби) олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

(г) 2025 йил 1 июлдан бошлаб 2027 йил 1 июнга қадар мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш бўйича (CRM, ERP, PLM каби) ахборот тизимларини жорий этиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 5 минг АҚШ долларида кўп бўлмаган қисмини қоплаш чораларини кўрсин.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги иш ўринларини яратиш, сақлаб қолиш, бренд яратиш, логистика, маркетинг каби йўналишларда самарадорликни оширишга кўмаклашиш мақсадида мебель ва ёғочсозлик саноати тармоғидаги тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни ўқитиш учун хорижий мутахассисларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан жалб қилсин. Бунда хорижий мутахассисларни жалб қилиш хизмати бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказмасдан амалга оширишга рухсат берилсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Касбий кўникмалар марказларида тадбиркорлик субъектлари талабномасига кўра хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилган ҳолда мебель ва ёғочсозлик саноати йўналишида қисқа муддатли малакавий тайёрлов курслари (шу жумладан, дуал таълим асосида) йўлга қўйилади. Бунда ўқитиш харажатларининг 60 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

(б) Савдо-саноат палатаси ҳамда «Ўзбекэкспертиза» АЖ томонидан 2025 йил 1 июлга қадар давлат харидларида иштирок этаётган мебель ва ёғочсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари хатловдан ўтказилади ҳамда 2025 йил 15 августдан бошлаб мебель ва ёғочсозлик маҳсулотларининг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш бўйича «Ўзбекэкспертиза» АЖ томонидан тўлов ундирилмасдан

экспертизадан ўтказиш, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат ёки эксперт хулосасини расмийлаштириш амалиёти жорий этилади. Бунда «Ўзбекэкспертиза» АЖнинг харажатлари Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

(в) 2025 йил 1 августдан бошлаб маҳаллий мебель технологлари учун ривожланган хорижий мамлакатлардаги нуфузли ташкилотларнинг соҳага тегишли бўлган малака сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизини Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади.

9. Белгилансинки, 2025 йил 1 октябрдан бошлаб электрон кооперация портали ва давлат харидлари электрон тизимлари операторларининг «Миллий дўкон» саҳифаларида фақатгина маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификатга эга бўлган мебель маҳсулотларини жойлаштириш ва савдоларда ушбу сертификатга эга тадбиркорлик субъектларининг иштирок этишига рухсат берилади. Бунда мазкур тартиб корпоратив буюртмачилар томонидан тижорат мақсадларида қайта сотиш ёки шу мақсадларда товарлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарорига мувофиқ ажратилган маблағлар доирасида ёшларнинг мебель ва ёғочсозлик саноати йўналишидаги лойиҳаларига 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар йўналтирилсин. Бунда АТ «Алоқабанк» томонидан тадбиркорларни бино ва ускуналар билан таъминлаш учун янги молиявий маҳсулотлар жорий этилади.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

11. Мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Хонқа тажрибаси асосида 2025-2026 йилларда мебелчилик жадал ривожлантириладиган туманлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳудудларда мебелчилик марказларини ташкил этиш ва уларда лойиҳаларни жойлаштиришни қўйидагиларни назарда tutувчи Хонқа тажрибаси асосида амалга ошириш чораларини кўрсин:

(а) мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудларда, шу жумладан, кичик саноат зоналарида мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий мебель маҳсулотлари учун тегишли ҳудуднинг алоҳида қисмида шоурумлар ташкил этиш;

(б) тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш бино-иншоотлари учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсат олишда кўмаклашиш;

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(в) ишлаб чиқариш бино-иншоотлари бевосита тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб қилинган қурилиш корхоналари томонидан барпо этилиши учун барча зарурий шароитларни яратиш;

(г) ишлаб чиқариш бино-иншоотлари барпо этилгандан сўнг бир ой ичида асбоб-ускуналар хариди учун тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилишини таъминлаш. Бунда «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан кредит, лизинг ва микрокредитлар ажратиш учун ресурслар тақдим этилади.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Ўзбекистон мебель ва ёғочсозлик саноати корхоналари уюшмаси билан биргаликда мебель ва ёғочсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш юзасидан таклифи маъқуллансин.

Бунда Ўзбекистон мебель ва ёғочсозлик саноати корхоналари уюшмасига, шу жумладан, маҳаллий мебель ва ёғочсозлик маҳсулотларини хорижий бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш, ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун хорижий дизайнер, технолог ва маркетинг каби мутахассисларни жалб қилиш, талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш каби устувор йўналишлардаги вазифаларни амалга ошириш учун асослангандир. Ҳисоб-китобларга мувофиқ Савдога қўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 5 млрд сўм миқдоридан маблағ ажратилади.

15. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев икки ой муддатда мебель ишлаб чиқарувчиларни хом ашё билан барқарор таъминлашнинг замонавий механизмлари юзасидан таклиф ишлаб чиқсин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бир ой муддатда мебель ва ёғочсозлик маҳсулотлари бозорида соғлом рақобатни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига зарар етказилиши хавфларини аниқлаш ва бартараф этиш, демпинг ҳолатларига йўл қўймасликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижросига қаратилган амалий чора-тадбирларни кўрсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат

17. Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ж.А.Ходжаев икки ой муддатда:

(а) мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни ҳудудлар кесимида;

(б) 2025 — 2028 йилларда мебель ва ёғочсозлик саноати йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ишга туширишнинг йиғма параметрларини тасдиқласин.

18. Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун

масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 май,
ПҚ–193-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

272 **Ногиронлик пенсиялари ва компенсацияларни тайинлашда проактив хизматларни жорий этиш тўғрисида***

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида аҳолига давлат пенсиялари ва компенсацияларни тайинлаш тартибини такомиллаштириш орқали пенсия олувчилар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Пенсия ва компенсациялар тайинлаш тартибини соддалаштириш

1. 2025 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларга давлат пенсиялари ва компенсацияларни тайинлашнинг қуйидаги соддалаштирилган тартиби жорий этилсин:

(а) фуқароларга I ёки II гуруҳ ногиронлиги белгиланиши муносабати билан пенсияларни алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш. Бунда фуқарога проактив шаклда тайинланган пенсияларни рад қилиш ҳуқуқи берилади;

(б) кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга компенсацияларни электрон маълумотлар алмашинуви асосида проактив шаклда тайинлаш;

(в) ногиронлик пенсияси тайинлангандан сўнг камида бир йил иш стажига эга бўлганда фуқаронинг пенсия миқдорини ҳар икки йилда проактив шаклда қайта ҳисоблаш.

II. Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиб-таомилларини рақамлаштириш

2. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб давлат пенсия таъминотига оид ҳамда АТ «Халқ банки» томонидан пенсияларни нақд пул шаклида тўлаш билан боғлиқ кўрсатиладиган хизматларни фуқароларни биометрик идентификация қилиш (Face-ID) ҳамда уларнинг имзосини электрон шаклда олиш орқали амалга ошириш тартиби жорий этилсин. Бунда:

(а) тўловни амалга ошириш қайдномасини электрон шаклда планшет орқали имзолашга рухсат берилади;

(б) Адлия вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) ва АТ «Халқ банки»нинг электрон сўровига асосан фуқароларни биометрик идентификация қилиш маълумотларини бепул етказди;

(в) биометрик идентификация қилиш асосида кўрсатиладиган хизматлар-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 майда эълон қилинган.

ни жорий этиш учун фойдаланиладиган қурилмалар хариди билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ҳамда АТ «Халқ банки» ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Электрон технологияларни ривожлантириш маркази билан биргаликда 2025 йил 1 октябрга қадар Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ҳамда Пенсия жамғармаси ҳисобидан фуқароларга пенсия тайинлашда қуйидаги масалаларда амалий кўмак кўрсатиш хизматини жорий этсин:

(а) ёшга доир ва ногиронлик пенсияларини проактив шаклда тайинлашда фуқаронинг иш стажи ва иш ҳақиға оид электрон маълумотлардаги камчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш;

(б) фуқароларга пенсия тайинлашда коррупциявий ҳолатлар юзага келмаганлигини «Call-марказ» томонидан аниқлаш.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишға масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

7. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 май,
ПҚ–194-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 27 майдаги
ПҚ–194-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2826-сон қарорида:

(а) 6-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(б) 7-банднинг биринчи хатбошиси «Ички ишлар вазирлиги» сўзларидан кейин «ва Миллий гвардия» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3694-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5102-сон қарорининг 1-банди «б» кичик бандида:

(а) иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтда ишламайдиган фуқаролар учун меҳнат стажи ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги маълумотларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига мурожаат қилиш орқали «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига (кейинги ўринларда — ЯММТ ИДАК) киритиш хизмати жорий этилади»;

(б) учинчи хатбошидаги «ҳужжатлар» сўзи «маълумотлар» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

273 Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада ўрмон фонди ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўрмон билан қопланган ҳудудларни кенгайтириш ва ўрмон плантацияларини барпо этишни янада жадаллаштириш ҳамда чўлланишга қарши курашиш чораларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислоҳотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–90-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ўрмон фонди ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) 2030 йилгача 1,5 миллион гектарда ўрмонлар барпо этиш, уларни қайта тиклаш ҳамда 3,8 минг гектар ўрмон фонди ерларида доривор ва озик-овқатбоп ҳамда зирavor ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш;

(б) 2030 йилгача 9,2 минг тонна дарахт ва буталар уруғларини тайёрлаш ҳамда 919 миллион дона ниҳол ва кўчатларни етиштириш;

(в) 2030 йилгача 47,7 минг гектар ўрмон фонди ерларини ўзлаштириш, 18,7 минг гектарда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ҳамда йилига 31 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш;

(г) 2025-2026 йилларда тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги 500 гектарда «тер-раса» усулида дарахт ва бута кўчатлари экиш.

II. Ўрмонларни кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш

2. Ўрмон хўжалиги соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, «ақлли» ўрмон хўжалиги технологияларини жорий этиш мақсадида Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Ўрмон агентлиги) ҳузуридаги «Ўрмонтехносервис» давлат унитар корхонаси негизида «Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

3. Белгилансинки:

(а) Марказ қуйидагиларни назарда тутувчи «Ақлли ўрмон хўжалиги» (Smart forestry) ахборот платформасининг ягона оператори ҳисобланади:

(i) ўрмон ресурсларини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш, уларнинг ҳолатини реал вақт режимида мониторинг қилиш;

(ii) ўрмон хўжалиги соҳаси фаолиятини замонавий технологиялар,

сунъий интеллект ва интеграциялашган ахборот тизимлари орқали самарали бошқаришни таъминлаш;

(б) замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда Жиззах давлат ўрмон хўжалигининг Мирзачўл ўрмон бўлими чўлланишга қарши курашиш ва ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишга ихтисослаштирилади;

(в) Саксонота давлат ўрмон хўжалиги доривор, зиравор, резавор ўсимликлар (хўжағат, маймунжон, қорағат, наъматак ва бошқалар) ҳамда бута кўчатларини етиштиришга ихтисослаштирилади;

(г) ихтисослаштириладиган давлат ўрмон хўжаликларида илм-фан-ло-йиҳа-амалиёт занжирида иш фаолияти йўлга қўйилади;

(д) Ўрмон агентлиги тизимидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаларига тушадиган тушумларнинг тегишли қисми Экология жамғармасига ўтказилади ҳамда ҳар бир ўрмон хўжалиги ташкилоти учун даромадни тақсимлаш мақсадида алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади;

(е) Ўрмон агентлигининг марказий аппарати ҳамда Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

(ж) тоғ-кон саноати ва бошқа саноат мақсадида олинган ўрмон фонди ерлари фойдаланишдан кейин ўрмон хўжалигига қайтарилганда у фойдаланувчилар ҳисобидан тўлиқ рекультивация қилинади.

4. Ўрмон агентлиги 2025 йил 1 ноябрга қадар юридик ва жисмоний шахсларга ўрмон фонди ерлари берилаётганда (ўрмон фонди ерларини ижарага бериш бундан мустасно) қўйидаги мажбуриятларни белгилашни назарда тутовчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин:

(а) ўрмон билан қопланган ерлар ўрнига 2 барабар коэффициент билан бошқа ер участкаларида ўрмон яратиб бериш;

(б) ўрмон билан қопланмаган ерлар ўрнига 1,5 барабар коэффициент билан бошқа ер участкаларида ўрмон яратиб бериш.

5. Қўйидагилар:

(а) «Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш маркази» давлат муассасасининг асосий вазифалари ва молиялаштириш манбалари 1-иловага мувофиқ;

(б) 2025 — 2030 йилларда ўрмонлар барпо этиш ва уларни қайта тиклаш бўйича прогноз кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ;

(в) 2025 — 2030 йилларда чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 2а-иловага* мувофиқ;

(г) 2025 — 2030 йилларда дарахт ва буталар уруғларини тайёрлаш бўйича прогноз кўрсаткичлар 3-иловага* мувофиқ;

(д) 2025 — 2030 йилларда ниҳол ва кўчатларни етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 4-иловага* мувофиқ;

(е) 2025 — 2030 йилларда ўрмон фонди ерларида доривор, озик-овқат-

* 1 — 4-илвалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

боп ҳамда зиравор ўсимликларни етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 5-иловага* мувофиқ;

(ж) 2025 — 2030 йилларда ўрмон фонди ерларида доривор ва озик-овқат-боп ҳамда зиравор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 5а-иловага* мувофиқ;

(з) 2025 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 6-иловага* мувофиқ;

(и) 2025 — 2030 йилларда хусусий сектор субъектлари билан биргаликда асаларичиликни ривожлантириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 7-иловага* мувофиқ;

(к) 2025 — 2030 йилларда фойдаланишга киритиладиган ўрмон фонди ерларининг прогноз кўрсаткичлари 8-иловага* мувофиқ;

(л) Қўчат етиштиришга ихтисослаштириладиган давлат ўрмон хўжаликлари рўйхати 9-иловага* мувофиқ;

(м) 2025 — 2026 йилларда «терраса» усулида дарахт-бута қўчатлари экиладиган тоғ ва тоғолди ҳудудлари рўйхати 10-иловага* мувофиқ;

(н) «In-vitro» лабораториялари ташкил этиладиган илмий-тажриба станциялари ва давлат ўрмон хўжалиги рўйхати 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўрмон агентлиги директори:

(а) Ўрмон агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, мол-мулкларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида самарали бошқаришни амалга оширади;

(б) халқаро молия институтлари, хорижий давлатлардан грант ва қарз маблағлари жалб қилинишини ташкил этади ҳамда уларнинг самарали ўзлаштирилишини мувофиқлаштиради;

(в) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан хорижий консультант ва экспертларни белгиланган тартибда жалб қилади.

7. Ўрмон агентлигининг давлат ўрмон хўжаликларида экологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва хизматлар турини кенгайтиришни назарда тутувчи қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Андижон, Наманган ва Самарқанд давлат ўрмон хўжаликларида ёғоч материаллари қолдиқларидан (қуриган шох-шаббалар, илдишлар, қипиқ, сомон, похол) пиллет биоёқилғисини ишлаб чиқариш;

(б) Қўқон ва Андижон давлат ўрмон хўжаликларида ёғоч материаллари қолдиғидан сувенир маҳсулотлар тайёрлаш;

(в) Бўстонлиқ, Косонсой, Китоб давлат ўрмон хўжаликларида асал ишлаб чиқариш ва қадоқлаш;

(г) Поп, Яккабоғ, Бахмал, Ҳисор, Шаҳрисабз, Ургут, Ғаллаорол, Қоракўл, Қуйи Чирчиқ давлат ўрмон хўжаликларида доривор ва резавор ўсимликлар етиштириш;

(д) Боботоғ, Ғаллаорол, Саройқўрғон, Каттақўрғон, Қамаш, Бахмал давлат ўрмон хўжаликларида писта ва бодом етиштириш;

* 5 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(е) Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудидаги давлат ўрмон хўжаликларида ов ва экотуризмни ривожлантириш учун ноёб ҳайвонлар (қирғовул, тувалоқ ва бошқалар) питомникларини ташкил этиш;

(ж) Оҳангарон, Саксонота, Ургут, Бурчмулла, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Бойсун, Узун, Андижон давлат ўрмон хўжаликларида экотуризм хизматларини йўлга қўйиш;

(з) ёғочни қайта ишлаш учун хомашё захирасини яратиш мақсадида:

(i) Андижон, Жомбой, Наманган, Қамаши давлат ўрмон хўжаликларида терак, павловния ва шумтол;

(ii) Узун, Тошкент давлат ўрмон хўжаликларида чинор, Хоразм давлат ўрмон хўжалигида қайроғоч, тут, жийда ва айлант дарахт турларидан плантациялар ташкил этиш;

(и) Китоб, Бахмал, Бойсун давлат ўрмон хўжаликларида саноат ва мебелбоп дарахт турларидан плантациялар ташкил этиш.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўрмон агентлиги ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда экспертлар ва жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрмончилик соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмуни ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳақимов белгилансин.

10. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 май,
ПҚ-197-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 30 майдаги
ПҚ-197-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш маркази»
давлат муассасасининг асосий вазифалари ва
молиялаштириш манбалари**

1. Марказнинг асосий вазифалари:

- а) ўрмончилик соҳасини рақамлаштириш ва «Ақлли ўрмон хўжалиги» ахборот платформасини жорий этиш;
- б) ўрмончилик соҳасида ўзаро идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- в) Ўрмон агентлиги электрон тизимининг марказлаштирилган электрон архивини яратиш ва доимийлигини таъминлаш;
- г) ўрмончилик соҳасида етиштирилаётган ўрмон маҳсулотларини сотиш жараёнига электрон тижорат амалиётини жорий этиш;
- д) ўрмончилик соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаб берувчи техник ва дастурий воситаларни жорий этиш;
- е) ўрмон фонди ер майдонларини учувчисиз авиация тизимлари (УАТ) орқали мониторинг қилиш.

2. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари:

- а) хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;
- б) ўрмон фондининг яйлов ерларида чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш учун онлайн билет (рухсатнома) беришдан ундириладиган тўловларнинг 1 фоизи;
- в) банк ва бошқа кредиторларнинг маблағлари;
- г) қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар;
- д) учувчисиз учиш аппаратларини бошқариш орқали ўрмон фонди ерларини мониторинг қилиш ва ноқонуний ҳолатларни аниқлаш орқали тушадиган тушумлар;
- е) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- ж) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

274 Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш- нинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги иқтидорли ёшларни қўшимча қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармони билан тасдиқланган 2024 йилда йўналишлар кесимида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатининг 26-бандига мувофиқ иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан янгилаш ва янги босқичга олиб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маданият ва санъат соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янгилаш ва янги босқичга олиб чиқишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижодкор ёшларни аниқлаш, истеъдодларини юзага чиқариш, шунингдек, қизиқишларини янада ошириш орқали маданият ва санъат соҳасига жалб қилиш;

ижодкор ёшларни танлаш ва саралаш, ушбу жараёнга рақамли технологиялар ҳамда замонавий, инновацион ва интеграция усулларини жорий этиш; «устоз-шогирд» аъналарига мувофиқ профессионал ижодкорларни шакллантириш ва ёш кадрлар тажрибасини ошириш;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда уларга муносиб ижодий муҳит яратиш;

истеъдодли ёшларнинг ижодини кенг оммага, шу жумладан, халқаро миқёсда танитиш ва тарғиб қилиш чораларини кўриш.

3. Белгилансинки, маданият ва санъат соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янгилаш ва янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

ижодкор ёшлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона платформа жорий этилади ҳамда «ERP madaniyat» ягона бошқарув тизимига интеграция қилинади;

соҳага оид танлов ва фестивалларнинг самараси ҳамда натижадорлигини

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 майда эълон қилинган.

ошириш мақсадида йўналиши бир хил ва ўхшаш бўлган танловлар мақбул-лаштирилади;

маданият соҳасида сунъий интеллектдан ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланиш ва тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича «Ижодий технолаборатория» ташкил этилади;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида маданият ва санъатга қизиқувчи ёшлардан иборат «Ижодкор ёшлар клуби» фаолияти йўлга қўйилади;

маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишлари бўйича илмий иш олиб бораётган ёшларга хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференцияларда иштирок этиш, малакасини ошириш ва тажриба алмашишларига кўмаклашилади;

«Маданият волонтерлари» ижтимоий ҳаракати фаолияти йўлга қўйилади;

хар йили жаҳоннинг камида 4 нафар етакчи мутахассислари ва таниқли санъаткорлари шартнома асосида ўқув жараёнларига жалб этилади ҳамда камида 4 нафар ижодкор ёшлар хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш учун юборилади;

маданият ва санъат йўналишидаги «Start-Up» лойиҳалари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорида ижодий грантлар ажратиш чоралари кўрилади.

4. Қўйидагилар:

2025 — 2030 йилларда ижодкор ёшларни танлаш, саралаш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

2030 йилгача ёшлар ўртасида маданият ва санъат соҳасига оид ўтказиладиган танлов ва фестивалларнинг натижадорлигини оширишга эришиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази» давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ижодкор ёшларни танлаш ва саралашда рақамли технологиялар, замонавий, инновацион ва интеграция усулларида фойдаланиш, иқтидорли ёшларни креатив индустрия субъектларига айлантириш ҳамда уларнинг эркин ижод маҳсулотларини монетизация қилиш бўйича «Креатив хаб» вазифасини бажариш;

ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган, уларни танлаш ҳамда саралаш бўйича қисқа ҳамда узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари, хорижий молия ташкилотлари ҳамда маҳаллий корхоналарнинг ҳомийлик хайриялари ва грантларини жалб қилиш;

ижодкор ёшларга тегишли креатив индустрия субъектларининг интел-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лектуал мулкани ҳимоя қилиш, уларнинг асарларини ёки турдош ҳуқуқлар объектларини рўйхатдан ўтказишда қўмаклашиш;

ёш авлод ўртасида турли маданий тадбирлар, танлов ва фестивалларни тизимли ўтказиш;

ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида халқаро даражадаги мутахассисларни жалб қилиш.

6. Белгилансинки, 2026 йилдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йиллик календарь-режа асосида ёшлар учун маданият ва санъат соҳасида танлов ва фестивалларни ташкил этади. Бунда:

ҳар йили 20 ноябрга қадар давлат органлари ва ташкилотлари кейинги йилда ўтказиладиган танлов ва фестивалларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Маданият вазирлигига тақдим этади;

ҳар йили 1 декабрга қадар Маданият вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларининг кейинги йил учун танлов ва фестивалларнинг календарь-режасини тасдиқлайди;

ҳар йили 10 декабрга қадар тасдиқланган календарь-режа Маданият вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади ва ижодкор ёшлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона платформага жойлаштирилади.

7. Маданият вазирлиги бир ой муддатда:

«Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази» давлат муассасаси тўғрисидаги низомни қайта тасдиқлаш ва уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин;

ёшлар ўртасида маданият ва санъат соҳасида ўтказиладиган танлов ва фестивалларнинг регламентини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда танлов ва фестивалларда иштирок этиш шартлари, йўналишлари, ижодкор ёшларни танлаш ва саралашнинг аниқ механизмлари, саралаш босқичлари ҳамда иштирокчиларни баҳолаш мезонлари назарда тутилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ой муддатда молиялаштириш ҳажми ва манбаларини назарда тутган ҳолда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳудудий режаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар ойнинг сўнгги чоршанба кuni ижодкор ёшларнинг мавжуд муаммолари ва таклифларини ўрганиш, шунингдек, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида қабуллар ташкил этсин;

Маданият вазирлиги билан биргаликда 2-иловага мувофиқ мақсадли кўрсаткичларда белгиланган натижаларга ўз вақтида эришиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Маданият вазирлиги билан биргаликда:

маданият ва санъат соҳасига оид халқаро ташкилотлар, хорижий ил-

мий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш чораларини кўрсин;

ҳар йили камида 4 нафар жаҳоннинг етакчи мутахассислари ва таниқли санъаткорларини шартнома асосида ўқув жараёнларига жалб этиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида камида 4 нафар ижодкор ёшларни хорижий мамлакатларга юборишда қўмаклашсин.

Бунда ушбу тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси ҳамда «Дунё» ахборот агентлигига ушбу қарорга мувофиқ ижодкор ёшлар учун яратилган имкониятлар, ўтказиладиган маданий тадбирлар ва уларнинг ютуқларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 май,
329-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

275 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини
ижарага беришни янги тизим доирасида ташкил этиш-
нинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги экин май-донлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармонида мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланишнинг самарали тизimini жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида «Қишлоқ хўжалигида ер ислохотларини амалга ошириш лойиҳа офиси» (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида «Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бошқарув ходимлари штат бирликлари доирасида юридик шахс бўлмаган ҳолда Лойиҳа офиси ташкил этилади.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамда лавозим маошини белгилашда тариф коэффиценти, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари бўйича Лойиҳа офиси раҳбари — Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бўлим бошлиғига, мутахассис ходимлари — вазирликнинг тегишли мутахассисларига тенглаштирилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ҳафта муддатда Лойиҳа офиси тўғрисидаги низомни ҳамда унинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқласин.

3. Қуйидагилар Лойиҳа офисининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда янги тизим самарадорлигини таҳлил қилиб бориш;

давлат дастурлари доирасида ажратилиши белгиланган имтиёзли кредитлардан фойдаланишда ижарачиларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини сотишдан ҳақиқатда тушган маблағлар ҳисобини юритиш ва уларнинг белгиланган тартибда мақсадли сарфланишини таъминлаш;

заруратга қўра 2025 йилнинг кузги экиш мавсуми ва ундан кейинги давр-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 майда эълон қилинган.

ларда бошқа ҳудудларда янги тизим жорий этиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари рўйхатини шакллантириш;

хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдода сотишдан тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Лойиҳа офиси тўғрисидаги низомда белгиланадиган мақсадларда фойдаланиш;

ер ислохотларини давом эттириш, ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, хусусан, соҳада инновацияларни жорий қилиш мақсадида хорижий экспертларни жалб қилиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари муассислигида ташкил этиладиган «Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» масъулияти чекланган жамиятининг намунавий тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда:

2025 йил 10 июнга қадар «Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси» масъулияти чекланган жамиятлари (кейинги ўринларда — Дирекция) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

2025 йил 15 июнга қадар Лойиҳа офиси томонидан ишлаб чиқилган намунавий низом асосида Дирекциялар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

2025 йил 1 июлга қадар 5 та штат бирлигидан иборат Дирекция фаолиятини йўлга қўйсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Дирекция директори тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади;

Дирекциялар фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳа офисига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарига ҳисобдор ҳисобланади;

Дирекцияга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш ваколати берилади.

7. Қўйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олувчиларнинг ижара шартномасида белгиланган ҳуқуқлардан амалда фойдаланишини кафолатлаш;

сув етказиб бериш лимитларига риоя қилинмаслиги натижасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олувчиларга етказилган зарарни дарҳол қоплаб бериш ва кейинчалик ушбу маблағларни сув етказиб берувчи ташкилотлардан регресс тартибда ундириб олиш;

ўз танловига кўра ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг суғориш тизимларини яхшилаш, электр энергияси таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, техникалар ҳаракати учун ички хўжалик йўлларининг ҳолатини яхшилаш каби ишларга маблағ ажратиш, ушбу тадбирларда буюртмачи вазифасини бажариш;

Дирекцияга ижара ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ёки унинг бир қисmini маҳаллий ва чет эллик инвесторлар, шу жумладан, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иккиламчи ижарага бериш (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз);

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олувчиларга ердан фойдаланиш бўйича кўмаклашиш ва уларнинг фаолиятини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

2025 йилнинг кузги экиш мавсумини ва ундан кейинги даврларни янги тизим доирасида ташкил қилиш истаги бўлган қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳамда туман ҳокимликлари захирасидаги бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари рўйхатини шакллантириш ва электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш учун таклифлар киритиш;

соҳага илғор инновация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида инвестицияларни, шунингдек, хорижий ҳамда маҳаллий мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш.

8. Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдоларида сотишдан тушган маблағларнинг 25 фоизи (оператор харажатлари чегириб қолинган ҳолда);

сув етказиб бериш лимитларига риоя қилинмаслиги натижасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олувчиларга етказилган зарарни қоплаб бериш учун регресс тартибда ундириб олинган маблағлар;

ҳисобварақда вақтинча бўш турган маблағларни депозитга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари ҳамда техник кўмак маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

9. Дирекциянинг шахсий ғазна ҳисобварағидаги маблағлари Лойиҳа офиси билан келишилган ҳолда қуйидаги мақсадларга сарфланади:

сув етказиб бериш лимитларига риоя қилинмаслиги натижасида ер участкасини ижарага олувчига етказилган зарарни қоплаб бериш;

ижарага берилган ерларнинг суғориш тизимларини яхшилаш, электр энергияси таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, техникалар ҳаракати учун ички хўжалик йўллари ҳолатини яхшилаш ишларини молиялаштириш;

жалб қилинган хорижий ҳамда маҳаллий мутахассислар ва экспертларнинг меҳнатига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

Дирекциянинг жорий фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан, уларга тегишли бино ва иншоотларни сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, мебель, алоқа воситалари, компьютер техникалари ва бошқа зарур инвентарлар билан таъминлаш.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорда назарда тутилган тизим доирасида амалга оширилган ишлар натижаларига кўра ушбу тизимни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш тўғрисида 2026 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 27 май,
332-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

276 Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан фойдаланишга
топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида
уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш
тартибини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишнинг қўшимча чоралари тўғрисида» 2024 йил 29 апрелдаги ПҚ–165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш ҳамда кафолат суммаларини муддатидан олдин тўлаб бериш орқали тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишнинг қўшимча чоралари тўғрисида» 2024 йил 29 апрелдаги ПҚ–165-сон қарорига мувофиқ фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат суммаси пудрат ташкилотининг ихтиёрига қўра:

кафолат муддати давомида — объектни кафолат муддатида суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш орқали тўлаб берилиши;

кафолат муддати тугагандан сўнг — фойдаланувчи ташкилотнинг асослангилган эътирози бўлмаган тақдирда, пудрат ташкилотининг ҳисобварағига ғазначилик тизимидан инсон омилисиз автоматик равишда ўтказиб берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш тартиби;

банк кафолати ёки суғурта шартномаси (суғурта полиси) тақдим этилгандан сўнг объектнинг қолдиқ қийматини ўтказиб бериш;

кафолат муддати давомида объектларда аниқланган зарарларни банк кафолати ёки суғурта шартномасига мувофиқ қоплаб бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг моҳияти ҳамда аҳамияти тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 майда эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг**Бош вазири****А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 29 май,
338-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 майдаги 338-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан фойдаланишга
топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида
уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан
кафолатлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш тартибини белгилайди.

2. Фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

3. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кафолатловчи тижорат банки — фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида қурилиш-пудрат шартномасига мувофиқ банк кафолатини берувчи тижорат банки;

суғурталовчи — фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида суғурта қилдирувчининг (пудрат ташкилотининг) қурилиш-пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича жавобгарлигини суғурта қилувчи юридик шахс;

суғурта қилдирувчи — фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида қурилиш-пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича жавобгарлигини суғурта қилдирувчи юридик шахс (пудрат ташкилоти).

4. Пудрат ташкилоти томонидан қурилиш объекти фойдаланишга топширилгандан бошлаб, ушбу объектдан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) даврида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини кафолатлаш муддатлари, шунингдек, объектларнинг кафолат муддати давомида суғурталаш ёки тижорат банклари томонидан кафолатлаш муддатлари қонун-

чилик ҳужжатлари ёки томонлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ белгиланади.

5. Пудрат ташкилоти ўз хоҳишига кўра объект фойдаланишга топширилгандан сўнг буюртмачига кафолат муддати давомида суғурталаш ёки банк кафолатини тақдим этиш орқали объектнинг умумий қийматини тўлиқ молиялаштирилишини тақлиф этади.

6. Объектни фойдаланишга топшириш далолатномаси белгиланган тартибда тасдиқланиб, пудрат ташкилоти томонидан буюртмачига банк кафолати ёки суғурта шартномаси (суғурта полиси) тақдим этилгандан сўнг буюртмачи томонидан ўн иш куни ичида объектнинг қолдиқ қиймати пудрат ташкилотига тўлаб берилади.

2-боб. Фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида уларни суғурталаш тартиби

7. Суғурталовчи ихтиёрий равишда суғурта шартномасига асосан пудрат ташкилоти томонидан фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддати давомида объектда аниқланган камчиликлар натижасида буюртмачига етказилган зарар қопланиши суғурта қилинади.

Суғурта шартномаси (суғурта полиси) бўйича суғурта қилдирувчининг бинолар ва иншоотларга нисбатан фойдаланишга топширилгандан кейинги кафолат мажбуриятлари билан боғлиқ қутилмаган харажатлари (зарарлари) хавфи суғурталаниши мумкин.

Суғурта объекти пудрат ташкилотининг кафолат муддати давомида юзага келиши мумкин бўлган қутилмаган харажатлари (зарарлари) хавфи билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари ҳисобланади.

Пудрат ташкилоти учун унинг буюртмачи олдидаги кафолат мажбуриятлари доирасида таъмирлаш (алмаштириш, тиклаш) билан боғлиқ қутилмаган харажатлари (зарарлар) юзага келиши суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

8. Суғурта ҳодисаси қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

пудрат ташкилоти томонидан қурилиш-монтаж ва ишга тушириш ишлари давомида йўл қўйилган, бироқ кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар;

кафолат мажбуриятлари бўйича таъмирлаш ишларини бажаришда пудрат ташкилоти томонидан ёки у ваколат берган шахслар томонидан йўл қўйилган бошқа камчиликлар.

9. Объект фойдаланишга топширилгандан сўнг кафолат муддати давомида фойдаланувчи (буюртмачи) ёки у жалб қилган учинчи шахс томонидан техник хизмат кўрсатиш ёки объектнинг элементларига киритилган ўзгартириш натижасида етказилган зарарлар компенсация қилинмайди.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, кафолат муддати давомида пудрат ташкилотининг пудрат шартномасига асосан ўз мажбуриятларини бажариши бўйича жавобгарлиги суғурта қилинмайди ҳамда ушбу шартларни бузганлик учун жарималар ва пенялар суғурталовчи томонидан қопланмайди.

10. Тузилган суғурта шартномаси (суғурта полиси) суғурта мукофоти

ёки биринчи суғурта бадали тўланганидан сўнг кучга киради ва суғурталовчи томонидан мажбурият кучга кирганини тасдиқловчи суғурта полиси тақдим этилади.

Суғурталовчининг суғурта шартномаси (суғурта полиси) бўйича жавобгарлиги, агар суғурта шартномасида (суғурта полисида) бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг «амал қилиш муддати» этиб белгиланган кундан, яъни объект фойдаланишга топширилган кундан кучга киради (фойдаланишга топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг) ва амал қилиш муддати суғурта шартномасида «шартноманинг тугаш санаси» сифатида белгиланган кундан кечиктирмасдан кафолат муддати якуни билан тугайди.

Суғурта шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилган суғурта суммаси суғурта мажбуриятларининг энг кўп миқдорини ташкил этиб, пудрат ташкилоти ва суғурталовчи ўртасидаги келишувга асосан, қурилиши тугалланган объектнинг қурилиш-монтаж ишлари ҳақиқий қиймати билан аниқланган кафолат суммаси доирасида белгиланади.

Кафолат мажбуриятлари бир нечта қурилиш объектлари бўйича аниқланганда, суғурта суммалари ҳар бир объектка нисбатан алоҳида белгиланади.

Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати фойдаланишга топширилган объектнинг пудрат шартномасида кўрсатилган кафолат муддатидан келиб чиққан ҳолда, объектнинг кафолат муддатидан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

11. Фойдаланишга топширилган объектларни кафолат муддати давомида суғурта қилиш харажатлари пудрат ташкилоти ҳисобидан қопланади.

Бунда суғурта шартномаси объектнинг фойдаланишга топшириш далолатномаси расмийлаштирилганидан сўнг тузилиши лозим.

12. Объектни фойдаланишга топшириш жараёнида суғурталовчининг вакиллари иштирок этиши ҳамда объектни фойдаланишга топшириш далолатномасини белгиланган тартибда келишиши мумкин.

Бунда суғурталовчи объектни фойдаланишга топшириш жараёнида аниқланган камчиликларнинг пудрат ташкилоти томонидан бартараф этилишини талаб этишга ҳақли.

13. Фойдаланувчи ташкилот пудрат ташкилоти билан биргаликда суғурта шартномасининг амал қилиш даври давомида суғурталовчининг вакиллари томонидан объектда мониторинг, ўрганиш ва кўздан кечириш ишларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Суғурталовчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши юзасидан таклифлар беришга ҳақли.

14. Суғурта шартномасида суғурта ҳодисасининг хусусияти, суғурта пули миқдори, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати, суғурта ҳодисасини кўриб чиқиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар, суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби, суғурта товонини тўлаш муддати тўғрисида муҳим шартлар бўлиши шарт.

Суғурта шартномасига қонунчилик ҳужжатлари билан рухсат этилмаган истиснолар ва шартларни киритиш мумкин эмас.

15. Фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида суғурта шартномаларини тузаётганда, пудрат ташкилоти суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида ариза;

пудрат шартномаси;

объектнинг пудрат ташкилотини белгилаш бўйича ҳужжат;

объектни фойдаланишга топшириш далолатномаси;

суғурталовчи томонидан муҳим деб ҳисобланган ҳолатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

16. Пудрат ташкилоти ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳужжатларни суғурталовчига бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда тақдим этиши мумкин.

Пудрат ташкилоти томонидан ариза бевосита берилганда, тақдим этилган ҳужжатларнинг асли суғурталовчи томонидан улардан нусха олингандан сўнг пудрат ташкилотига дарҳол қайтариб берилади.

17. Суғурта мукофоти суғурта тарифларига мувофиқ аниқланади.

18. Фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддати мобайнида ушбу объектда камчиликлар аниқланган тақдирда, объектдан фойдаланувчи ташкилот мазкур камчилик аниқлангандан бошлаб етти иш куни ичида буюртмачига мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан муурожаат қилади.

19. Буюртмачи объектдан фойдаланувчи ташкилотнинг муурожаати келиб тушгандан бошлаб уч иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш ёки етказилган зарарни қоплаш бўйича пудрат ташкилотига кўрсатма беради ҳамда маълумот сифатида суғурталовчига юборади.

Бунда аниқланган камчиликлар пудрат ташкилоти томонидан буюртмачининг кўрсатмаси келиб тушгандан бошлаб ўн иш куни ичида бартараф этилиши лозим.

Зарурат туғилганда иш турининг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, объектда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати буюртмачи, объектдан фойдаланувчи ва пудрат ташкилоти ўртасидаги келишувга асосан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

20. Объектда аниқланган камчиликлар пудрат ташкилоти томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, буюртмачи (пудрат ташкилоти) ушбу объектга суғурта шартномаси (суғурта полиси) тақдим қилган суғурталовчи ташкилотга ушбу камчиликлар натижасида етказилган зарарларни суғурта шартномаси (суғурта полиси) доирасида қоплаш юзасидан муурожаат қилади.

21. Объектда аниқланган камчиликлар пудрат ташкилоти томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда, буюртмачига етказилган зарар суммаси суғурталовчи ташкилот томонидан буюртмачининг ҳисобварағига суғурта шартномасига (суғурта полисига) асосан ўн иш куни ичида ўтказиб берилиши лозим.

22. Суғурта ҳодисасини жойига чиқиб ўрганиш ёки суғурта ҳодисаси

содир бўлгани ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлардан келиб чиқиб, суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади.

23. Суғурта ҳодисаси ва унинг сабаблари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи зарур ҳужжатларни объектдан фойдаланувчи ташкилот пудрат ташкилотига, пудрат ташкилоти ва суғурталовчига тақдим этади.

Суғурта тўлови қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

суғурта шартномаси (суғурта полиси);

суғурта ҳодисаси тўғрисида буюртмачининг ёзма аризаси;

суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса содир бўлгани ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (ваколатли органлар, ҳодисани ўрганиш натижалари юзасидан ҳужжатлар ва маълумотномалар).

24. Суғурта ҳодисаси суғурталовчи томонидан тан олинган ва кўрилган зарар миқдори ҳамда тўланиши лозим бўлган суғурта товони суммасини аниқловчи ўрганиш натижалари далолатномаси асосида суғурталовчи суғурта товонини тўлаб бериш чораларини кўради.

Суғурталовчи томонидан фойдаланишга топширилган қурилиш объектининг шикастланган қиймати экспертизадан ўтказиш йўли билан (ўз кучи ёки учинчи томоннинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда) суғурта товонининг миқдори қайтадан аниқланиши мумкин. Экспертиза суғурталовчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Суғурталовчи зарур ҳолларда тегишли ваколатли органлардан ва суғурта ҳодисаси юз берган ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлган бошқа ташкилотлардан маълумот сўраб олади, шунингдек, суғурта ҳодисасининг сабаблари ва шароитларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқига эга.

25. Суғурталовчи фойдаланишга топширилган қурилиш объектида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан суғурта товонини тўлаб бериш бўйича экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб ўн иш кун ичида суғурта товонини буюртмачига тўлаши шарт.

26. Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилиши шarti билан қуйидаги ҳолларда суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

қурилиш материаллари, ускуналари ва мебель-инвентарлар объектдан фойдаланувчи ёки учинчи шахс томонидан яроксиз ҳолга келтирилган бўлса;

қурилиш материаллари, ускуналари ва мебель-инвентарларнинг кафолат муддати фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддатидан кам бўлса;

томонлар ўртасида келишилган бошқа шартлар.

Қурилиш материаллари, ускуналари ва мебель-инвентарлар фойдаланувчи ташкилот ёки учинчи шахс томонидан яроксиз ҳолга келтирилган тақдирда, етказилган зарар суммалари ушбу зарарларни етказган айбдор шахслар томонидан қопланади.

27. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда суғурта қилдирувчига (буюртмачига) унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма ёки электрон мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

**3-боб. Фойдаланишга топширилган объектларни кафолат
муддати давомида тижорат банклари томонидан кафолатлаш
тартиби**

28. Тижорат банклари пудрат ташкилоти томонидан фойдаланишга топширилган объектнинг белгиланган кафолат муддати давомида мазкур объектда пудрат ташкилоти томонидан пудрат шартномаси шартлари ва/ёки шаҳарсозлик ҳужжатларига номувофиқ қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилгани ва/ёки сифатсиз ускуна ва мебель-инвентарлар ўрнатилгани (кейинги ўринларда — камчиликлар) аниқланиши натижасида буюртмачига етказилган зарарнинг белгиланган миқдорда қопланишини (кейинги ўринларда — банк кафолати) ихтиёрий равишда кафолатлайди.

29. Фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида тижорат банклари томонидан бериладиган банк кафолати миқдори объект умумий қийматининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

30. Банк кафолатининг амал қилиш муддати фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддатидан келиб чиққан ҳолда, объектнинг кафолат муддатидан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

Бунда объектнинг кафолат муддати пудрат ташкилоти ва буюртмачи ўртасида тузиладиган пудрат шартномасида кўрсатилади.

31. Фойдаланишга топширилган объектларнинг кафолат муддати давомида тижорат банклари томонидан кафолатлаш билан боғлиқ харажатлар пудрат ташкилоти ҳисобидан қопланади.

32. Банк кафолати тақдим этилиши кўзда тутилганда, банк кафолати объектни фойдаланишга топшириш далолатномаси расмийлаштирилишидан олдин тузилиши лозим.

33. Объектни фойдаланишга топшириш жараёнида кафолатловчи тижорат банки вакиллари иштирок этиши мумкин.

Бунда кафолатловчи банк объектни фойдаланишга топшириш жараёнида аниқланган камчиликлар пудрат ташкилоти томонидан бартараф этилишини талаб этишга ҳақли.

34. Фойдаланувчи ташкилот пудрат ташкилоти билан биргаликда банк кафолатининг амал қилиш даври давомида кафолатловчи банк вакиллари томонидан объектда мониторинг, ўрганиш ва кўздан кечириш ишларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Кафолатловчи банк объект фойдаланишга топширилгунга қадар амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши юзасидан таклифлар беришга ҳақли.

35. Фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддати давомида ушбу объектда камчиликлар аниқланган тақдирда, ушбу Низомда белгиланган тартибда ушбу камчиликлар бартараф этилади.

Бунда кафолат объектида буюртмачига етказилган зарарни белгиланган миқдорда қоплаш мажбуриятини келтириб чиқариши мумкин бўлган воқеа юз берса (камчилик аниқланса), буюртмачи банк кафолатини тақдим қилган кафолатловчи банкка мурожаат қилади.

36. Кафолатловчи банк томонидан буюртмачига етказилган зарар суммаси қоплаб берилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар шартномаларда назарда тутилади.

Бунда шартномаларда қуйидаги ҳолатлар ҳам инобатга олиниши лозим: объект фойдаланувчи ёки учинчи шахс томонидан яроқсиз ҳолга келтирилиши;

ускуналари ва мебель-инвентарларнинг кафолат муддати фойдаланишга топширилган объектнинг кафолат муддатидан кам бўлиши; кафолатда белгиланган муддатнинг тугаши.

Объект фойдаланувчи ташкилот ёки учинчи шахс томонидан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, етказилган зарар суммалари ушбу зарарларни етказган айбдор шахслар ҳисобидан қопланади.

37. Кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар натижасида етказилган зарар суммаси берилган банк кафолати миқдоридан ортиқ бўлган ҳолларда, зарар суммаси ва банк кафолати миқдори ўртасидаги фарқ объектда пудрат ишларини амалга оширган пудрат ташкилоти томонидан қопланади.

Бунда ушбу фарқ пудрат ташкилоти томонидан қоплаб берилиши рад этилган ҳолларда буюртмачи судга мурожаат қилишга ҳақли.

4-боб. Якунловчи қоидалар

38. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳамда юридик шахслари билан тенг равишда суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланади.

39. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****277 Mediatorlarni tayyorlash dasturiga o‘zgartirishlar kiritish
to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
26-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3134-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 19-martdagi 171-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Yuridik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2019-yil 31-yanvardagi 54-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3134, 2019-yil 31-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.02.2019-y., 10/19/3134/2554-son) bilan tasdiqlangan Mediatorlarni tayyorlash dasturiga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 22-may,
14-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-mayda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 22-maydagi
14-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Mediatorlarni tayyorlash dasturiga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Mediatorlarni tayyorlash dasturi bo'yicha maxsus o'quv kurslari professional mediatorlarning o'zaro birlashuviga asoslangan Mediatsiya markazi, professional mediatorlar, hakamlik sudlari va xalqaro arbitrajlarining o'zaro birlashuviga asoslangan Nizolarni muqobil usulda hal etish markazi (bundan buyon matnda Markazlar deb yuritiladi), shuningdek O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Yuridik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti (bundan buyon matnda Institut deb yuritiladi) tomonidan tashkil etiladi.”.

2. 2-banddagi “72 soatdan ko'p bo'lmagan” degan so'zlar “davomiyligi 36 soatdan 72 soatgacha bo'lgan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 3-banddagi “Markazlarga” degan so'z “Markazlarga va Institutga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 13-bandda:

oltinchi xatboshidagi “Markazlar” degan so'z “Markazlar va Institutning” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “Markazlarning” degan so'z “Markazlar va Institutning” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 15-bandning birinchi xatboshisidagi “Markazlarda” degan so'z “Markazlar va Institutda” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

278 Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3625*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 май,
2-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари*

Ж. УРУНОВ

2025 йил 3 май

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 23 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 15 майдаги
2-сон буйруғига
ИЛОВА

Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари — қимматли қоғозларнинг эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек биржалар ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг мижози (бундан буён матнда мижоз деб юритилади) — депонент ёки қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахс;

қимматли қоғозларга доир битимлар — қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, ҳадяси, мероси, устав фондига киритилиши ва қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови;

қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг қилиш — била туриб ёлғон маълумотларни қасддан тарқатиш, тарафларнинг мажбуриятлари бир шахс ҳисобидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб бажариладиган қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш, шунингдек қимматли қоғознинг нархи хусусида чалғитиш мақсадида бошқа ҳаракат содир этиш ва буларнинг натижасида қимматли қоғозлар нархининг, уларга бўлган талабнинг, таклифнинг ёки қимматли қоғозлар савдоси ҳажмининг бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан ўзгариши ёки бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан фарқ қиладиган даражада ушлаб турилиши қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиш;

ҳийла-найранглар объекти — муайян олди-сотди битимининг ва/ёки қимматли қоғозлар билан тузилган бир қатор битимларнинг нархи ёки ҳажми, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг мулкӣ манфаатлари;

топшириқ — мижоз томонидан иштирокчига қимматли қоғозларга доир олди-сотди операцияларни амалга ошириш учун бериладиган қоғоз ёки электрон ҳужжат шаклидаги ҳужжат;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2-боб. Қимматли қоғозларга доир битимлар тузишда иштирокчилар ва унинг ходимларига қўйиладиган талаблар

2. Мижозларнинг топшириғига кўра қимматли қоғозларга доир битимларни амалга оширувчи иштирокчи:

мижознинг битим бўйича тўловни оширишга имкони бўлмаса, қимматли қоғозни сотиб олишга доир топшириқномани қабул қилишни рад қилиши;

мижоз қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмаслиги ёки улар бўйича бошқа мажбуриятлар (гаров, хатлаш ва ҳоказо) юклатилганлиги ва битим тузилганидан кейин уларни харидорнинг тасарруфига ўз вақтида тақдим эта олмаслиги маълум бўлса, қимматли қоғозларни сотиш тўғрисидаги топшириқномани қабул қилмаслиги;

қонунчилик ҳужжатларида ва олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда қимматли қоғозларни рўйхатга қўйиш ёки сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида мијозни огоҳлантириши;

шартномада белгиланган муддатда мијозни битим тузилганлиги факти ва унинг натижалари тўғрисида ёки қимматли қоғозларга доир битим тузилмаганлигининг сабаблари ҳақида хабардор қилиши;

мижоз томонидан берилган қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ёки активларни бошқариш тўғрисидаги ишончномада кўрсатилган ваколатлар доирасида қатъий ҳаракат қилиши ҳамда ишончномада мијоз ва иштирокчининг ўзаро муносабатларининг барча шартлари белгиланишини таъминлаши;

мижоз топшириғининг бажарилиши нархларни ҳийла-найранг қилиш ҳолатига олиб келишини билса, уни бажаришга қабул қилмаслиги;

мижоз томонидан репо битими бўйича мажбуриятлар қасддан бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги ҳолатлари тўғрисида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини икки иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

3. Иштирокчи мијоз билан шартнома тузишда унда қўйидаги мажбурий шартлар ва маълумотларни назарда тутиши лозим:

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун олинган лицензиянинг рақами, унинг санаси ҳамда иштирокчининг маълақаси;

иштирокчи шуғулланиши мумкин бўлган фаолият тури(лар);

мијознинг воситачилик ҳақи бўйича харажатлари, маслаҳат хизматлари учун тўловлар, қимматли қоғозлар бозорида битимларни амалга ошириш ва битимлар билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатиш учун йиғимлар ва тўловлар бўйича мажбуриятлари ва миқдорлари.

Шартномага мијоз томонидан иштирокчига қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бериладиган топшириқнинг шакли илова қилинади.

4. Иштирокчилар мижозлар номидан битимларни қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ фақат уларнинг топшириғи асосида тузади.

5. Мижознинг топшириғида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: топшириқ тури (қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш); эмитентнинг номи;

қимматли қоғозларнинг тури, сони ва тузиладиган битимнинг умумий қиймати;

қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш муддати ва усули; топшириқнинг амал қилиш муддати.

6. Иштирокчилар ўз мижозларининг биринчи талабига кўра уларнинг топшириқлари бўйича тузилган қимматли қоғозлар олди-сотди шартномаларининг нусхаларини тақдим этишлари ва тузилган битимларнинг шартлари тўғрисида, шунингдек қўйидаги маълумотларни беришлари шарт:

сотиб олинган ёки сотилган қимматли қоғозларнинг тўлиқ номи ва уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами;

сотиб олинган ёки сотилган қимматли қоғозлар сони ва уларнинг номинал қиймати;

муайян битимни тузишда воситачилик (брокерлик) ҳақининг, маслаҳат хизматлари учун тўловнинг ҳамда бошқа хизматлар кўрсатганлик учун бошқа йиғимлар ва тўловларнинг амалдаги суммаси;

битим нархи;

битимни амалга ошириш муносабати билан тўланган солиқлар ва бошқа тўловлар суммаси;

битим тузиш шартлари билан боғлиқ ҳар қандай бошқа ахборотлар.

7. Иштирокчилар қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни ўз ходимларининг кучи билан бажарилишини, расмийлаштирилишини ва ҳисобга олинишини таъминлашлари шарт.

8. Зиммасига қимматли қоғозлар бозорида операцияларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган вазифаларни бажариш юклатилган раҳбарлар ва мутахассислар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига жавоб бериши керак.

9. Иштирокчиларнинг қимматли қоғозларга доир операцияларни амалга оширувчи ходимларининг лавозим йўриқномасида ходимларнинг қўйидаги мажбуриятлари кўрсатилиши лозим:

ўзи манфаатдор шахс сифатида тан олиниши мумкин бўлган ёки иштирокчи мижозларининг ёхуд иштирокчининг манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай битимларни тузишдан тийилиши;

раҳбарига ўзи манфаатдор шахс сифатида тан олиниши мумкин бўлган тузилган ёки режалаштирилаётган битимларга тааллуқли ахборотни етказиши;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига, шунингдек иштирокчининг махфий тижорат, молиявий ва бошқа ошкор этилмаган маълумотлардан фойдаланишни ва (ёки) узатишни чекловчи ички қоидаларига риоя қилиши (махфий молиявий маълумотларга у ёки бу иштирокчининг аниқ фонд активлари

бўйича позицияси, иштирокчининг ўзи томонидан ошкор этилмаган, тарқатилиши қимматли қоғозларнинг бозор нархига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумот, шунингдек иштирокчи, унинг контрагентлари, инвесторлар (мижозлар) томонидан муҳим деб ҳисобланган бошқа маълумотлар киради).

3-боб. Қимматли қоғозлар бозорида тақиқланган ҳаракатлар

10. Иштирокчиларга ёлғон (чалғитувчи) вазиятлар яратиш, шу жумладан қуйидагилар:

мулкдорнинг ўзгаришига олиб келмайдиган битимни амалга ошириш;

мижоз томонидан бир вақтнинг ўзида иштирокчига ҳамда бошқа иштирокчиларга ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига қимматли қоғозларга доир битим тузиш учун айнан бир хил топшириқлар берилганлиги маълум бўлса, битимни тузиш ёки уни тузишга тайёргарлик кўриш;

репо битими бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмаслигига ёхуд ўз вақтида бажарилмаслигига кўмаклашиш;

ёлғон ёки бошқа бозор иштирокчиларини чалғитадиган ҳар қандай маълумотларни бериш ва тарқатиш;

учинчи шахсларни қимматли қоғозларни манипуляторлар учун қулай нархда сотиб олишга (сотишга) ундаш мақсадида қимматли қоғозлар нархларини сунъий равишда оширишга/пасайтиришга, сохта ёки чалғитувчи фаол савдо таассуротини уйғотишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тақиқланади.

11. Иштирокчи (иштирокчилар гуруҳи) ва (ёки) уларнинг мижозлари бозорнинг бошқа иштирокчиларини чалғитиш мақсадида ўзаро келишув асосида муайян турдаги қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимини (битимларини) тузишга (масалан, фаол савдо ёки қимматли қоғозлар қийматининг асоссиз ўзгариши ҳолатини яратишга) ҳақли эмас.

4-боб. Иштирокчиларнинг қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатилишининг олдини олишга доир мажбуриятлари

12. Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва бошқа иштирокчилар ҳийла-найранг аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини битим рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч кун ичида хабардор қилиши шарт.

13. «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ ва бошқа депозитарийлар депо ҳисобварақлари бўйича ўтказмани амалга оширишда тузилган битим бўйича ҳийла-найранг аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда депо ҳисобварақлари бўйича ўтказмалар амалга оширилган пайтдан эътиборан уч кун ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

14. Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари иштирокчилар ва улар-

нинг мижозларидан улар ўртасида тузилган шартнома шартлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг арбитраж комиссиялари фақат биржа битими иштирокчиларидан бирининг мазкур битим бўйича юзага келган низони кўриб чиқишни сўраб берган расмий аризаси мавжуд бўлган тақдирдагина, иштирокчилардан ва уларнинг мижозларидан улар ўртасида тузилган шартнома шартлари ва мижознинг берган топшириқлари тўғрисида ахборотни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

5-боб. Иштирокчилар фаолиятини назорат қилиш

15. Иштирокчиларнинг фаолияти устидан назоратни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи амалга оширади.

16. Қимматли қоғозлар бозорида юз бериши мумкин бўлган хийла-найранглар тўғрисида иштирокчиларни хабардор қилиш ва огоҳлантириш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўзи яратган электрон ахборот тизимлари орқали:

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензияларни бекор қилиш ёки уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги;

рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилиши, бекор қилинган қимматли қоғозлар чиқарилиши ва жойлаштирилиши тўхтатиб қўйилган қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

17. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан иштирокчининг фаолиятида қимматли қоғозлар бозорида хийла-найранг қилиш аломатлари аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатда ўрганиш материаллари ўрнатилган тартибда судга юборилади.

6-боб. Якуний қоида

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

279 «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-6*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 сентябрдаги 562-сон «Қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22 ва 7/4-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 319-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Солиқ қўмитаси раиси

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 май,
2025-08-сон

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 май,
259-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 майда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2025 йил 16 май,
11/2-сон

*Келишилди:***Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Ш. СОХИБНАЗАРОВ***2025 йил 7 май***Савдо-саноат палатаси раиси****Д. ВАХАБОВ***2025 йил 23 апрель*

Ўзбекистон Республикаси
Солиқ қўмитасининг 2025 йил 22 майдаги
2025-08-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги-
нинг 2025 йил 22 майдаги 259-сон ва
Марказий банки бошқарувининг 2025 йил
16 майдаги 11/2-сон қарорига
ИЛОВА

**«Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта
операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги
юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимасидан «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 129-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш ва пул маблағларининг хорижга асоссиз ўтказилиши аломатларини аниқлаш тартибини белгилайди.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI

280 Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2472-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-iyuldagi PQ–257-son “Nogironlikni belgilash tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligi **qaror qilaди:**

1. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2013-yil 11-iyundagi 16 va 14-son qarori (ro'yxat raqami 2472, 2013-yil 27-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 26-son, 343-modda) bilan tasdiqlangan Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror 2025-yil 1-iyundan e'tiboran kuchga kiradi.

Sog'liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-may,
16-son

Ichki ishlar vaziri

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 6-may,
17-son

Kelishildi:

**Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri**

B. ZAXIDOV

2025-yil 25-aprel

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 майда эълон қилинган.

*Ijtimoiy himoya milliy
agentligi direktori*

M. OLLOYOROV

2025-yil 28-aprel

O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligining 2025-yil
15-maydagi 16-son va Ichki ishlar vazirligining
2025-yil 6-maydagi 17-son qaroriga
ILOVA

**Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport
vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy
ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 5-bandning uchinchi xatboshisidagi “tibbiy ijtimoiy ekspert komissiyalari (bundan buyon matnda TIEK deb yuritiladi)” degan so'zlar “davlat sog'liqni saqlash tizimidagi davolash-profilaktika muassasasining tibbiy komissiyasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 27¹-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27¹. Nogironligi bo'lgan shaxslar maxsus uskunalar bilan qayta jihozlangan va avtomat uzatgichli yengil transport vositalarini boshqarishga yaroqli ekanliklarini aniqlash uchun pasport yoki identifikatsiyalovchi ID-karta yoxud shaxsni tasdiqlovchi boshqa hujjatni ko'rsatgan holda ariza bilan turar joydagi davlat sog'liqni saqlash tizimidagi davolash-profilaktika muassasasining tibbiy komissiyasiga murojaat qiladi.”.

3. 27²-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27². Nogironligi bo'lgan shaxslarni davlat sog'liqni saqlash tizimidagi davolash-profilaktika muassasasining tibbiy komissiyasida tibbiy ko'rikdan o'tkazish muddati 3 kalendar kundan oshmasligi kerak. Tibbiy ko'rikdan o'tkazish muddati murakkab, qo'shimcha tibbiy ko'rik talab etilganda davlat sog'liqni saqlash tizimidagi davolash-profilaktika muassasasining tibbiy komissiyasi rahbari tomonidan, asoslangan holda, 14 kalendar kuniga uzaytirilishi mumkin.

Davlat sog'liqni saqlash tizimidagi davolash-profilaktika muassasasining tibbiy komissiyasi tomonidan nogironligi bo'lgan shaxsga 083h shaklidagi tibbiy ma'lumotnoma faqat “B” toifasidagi shaxsiy transport vositasini boshqarishga yaroqli yoki yaroqsiz deb beriladi.”.

4. 27³ va 27⁴-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

281 Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3626*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги ПФ–230-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

Б. ЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 25 апрель,
11-2025/Б-сон

Келишилди:

**Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазир**

Ш. ХИДОЯТОВ

2025 йил 14 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2025 йил 25 апрелдаги
11-2025/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 76-сон буйруғи (рўйхат рақами 1887, 2009 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришга доир барча ишларда фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 2 ва 3-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати зиммасига юклатилади.»;

в) 4, 6 ва 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган корхонада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»;

д) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги

хизмати корхонанинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита корхона раҳбарига бўйсунди.»;

е) 11 ва 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

12. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»;

ё) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Корхона ходимлари ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитилиб, олинган билимлари текширувдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши лозим.»;

ж) 33-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ходимлар, шу жумладан муҳандис техник ходимлар (бундан кейинги ўринларда МТХ деб юритилади) ишга киришда дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши шарт. Ходимлар мажбурий тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.»;

и) 35-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Мажбурий тиббий кўриклар корхоналарга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса корхона жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.»;

иккинчи хатбошидаги «тиббий кўрик» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

й) 36-банддаги «Даврий тиббий кўриклар» деган сўзлар «Даврий мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товланган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.»;

л) 39-банднинг бешинчи хатбошидаги «ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойиҳалаштириш меъёрлари»га» деган сўзлар «ШНҚ

2.01.05-24 «Табийй ва сунъий ёритиш» талабларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 41-банддаги «ҚМҚ 3.01.02-00» деган сўзлар «ШНҚ 3.01.02-23» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Корхона ҳудудида чекишга фақат махсус ажратилган, ШНҚ 2.01.02-04 «Биолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» талабларига мувофиқ жиҳозланган жойларда рухсат этилади.»;

о) 53-банднинг биринчи ҳатбошисидаги «ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» талаблари» деган сўзлар «ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 66-банддаги «ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхонанинг маиший ва маъмурий биолари» талабларига» деган сўзлар «ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 68-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. Оқова сувларини ҳосил қилиш ва сув ҳавзаларига тушириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон «Коммунал хўжалиги тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2014 йил 21 январдаги 14-сон «Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда «Ер ости ва ер усти сув объектларини муҳофаза қилиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0083-24-сон СанҚваН)» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.»;

с) 74-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74. Фармацевтика ишлаб чиқариши корхоналарида ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инobatга олинган ҳолда, корхоналарнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.».

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1923, 2009 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 136-модда) билан тасдиқланган Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Корхоналарнинг раҳбарлари ва барча ходимлари, шу жумладан юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатувчи ходимлари ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитилиб, олинган билимлари текширувдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши лозим.

6. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»;

г) 13-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 14 ва 15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.

15. Мажбурий тиббий кўриklar корхоналарга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса корхона жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади.»;

е) 16-банддаги «тиббий кўриklar» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўриklar» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.»;

ж) 48-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлари тизими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 13/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1940, 2009 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 205-модда) билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

в) 4 ва 9-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ошхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

е) 14-банддаги «дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 15-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 16-банддаги «Тиббий кўриклар» деган сўзлар «Мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 17-банддаги «тиббий кўрик» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»;

й) 25-банд, 2-бобнинг 9-параграфи номи ҳамда 43 — 45 ва 47-бандлардаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 80-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Электр жиҳозларини тузатиш ва таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.»;

л) 105-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«105. Электр иситгич аппаратларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш паспорт ва йўриқнома кўрсатмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация

қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига биноан амалга оширилиши шарт.».

4. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 18 майдаги 20/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1970, 2009 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 25-сон, 292-модда) билан тасдиқланган Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 4 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 14-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Мажбурий тиббий кўриклар корхоналарга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса корхона жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.»;

д) 17-банддаги «тиббий кўрик» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 18-банддаги «тиббий кўриклар» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 20-банддаги «тиббий кўрикдан» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.».

5. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 12 ноябрдаги 68-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2056, 2009 йил 18 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 550-модда) билан тасдиқланган Табiiй тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар табiiй тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

в) 5, 6 ва 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.»;

е) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»;

ё) 34-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 35-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»;

иккинчи хатбошидаги «тиббий кўрикдан» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўр-

сатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса корхона жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.»;

и) 37-банддаги «тиббий кўрик» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

й) 38-банддаги «тиббий кўриклар» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 39 ва 40-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Иш берувчи мажбурий тиббий кўриктан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

40. Ташкилот майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

л) 49 ва 50-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши керак.

50. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

м) 58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

н) 2-бобнинг 11-параграфи номи ва 86-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«64. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талабига мос келиши керак.»;

п) 65-банддаги «канализацияга» деган сўз «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 71-банддаги «канализацияланган» деган сўз «оқова сувлар тизимига уланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 72-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. Ташкилотда оқова сувлар тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш оқова сувларига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмалар ахлат ўраларига рухсат этилади.»;

т) 73-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мос бўлиши» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

у) 80-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.»

6. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 75/1-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 5, 6 ва 13-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

г) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Ташкилот ходимлари ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитилиб, олинган билимлари текширувдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши лозим.»;

д) 40-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 41 ва 42-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади.

42. Ташкилот раҳбарияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси мажбурий тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.»;

ё) 43-банддаги «тиббий кўриклар» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.».

з) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инobatга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.»;

и) 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ташкилот майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

й) 51-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Сутканинг қоронғи вақтларида ҳудудларнинг ёритилиши ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.»;

к) 55-банддаги «ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига» деган сўзлар «ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 73-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. Дарё транспорти воситаларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мазкур Қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.».

7. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 декабрдаги 84-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2076, 2010 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 5, 6 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати муассасанинг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, у бевосита муассаса раҳбарига бўйсунadi.»;

г) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш муассаса раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

д) 14-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки

(меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

17. Мажбурий тиббий кўриклар муассасага тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса муассаса жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.»;

ё) 18-банддаги «тиббий кўрик» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўрик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 19-банддаги «тиббий кўриклар» деган сўзлар «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Муассаса майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

и) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

й) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

к) 46-банддаги «ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхонанинг маиший ва маъмурий бинолари» талабларига» деган сўзлар «ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 2-бобнинг 7-параграфи номида ва 52-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талабига мос келиши керак.»;

н) 53-банддаги «канализация» ва «канализациясига» деган сўзлар тегишли равишда «оқова сувлар» ва «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 54-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 59-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Муассасаларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инобатга олинган ҳолда, муассасаларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.».

8. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 январдаги 91-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2083, 2010 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 70-модда) билан тасдиқланган Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 5, 6 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.»;

г) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

д) 14-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

17. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.»;

ж) 18 ва 19-бандлардаги «тиббий кўрик» ва «тиббий кўриклар» деган сўзлар тегишли равишда «мажбурий тиббий кўрик» ва «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ташкилот майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

и) 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

й) 2-бобнинг 10-параграфи номида ва 63-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Би-ноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талаби-га мос келиши керак.»;

л) 64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«64. Ташкилотда оқова сувлар тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қат-ламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш оқова сувларига душхона-лардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.»;

м) 65-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос кели-ши» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 69-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шу-нингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқлан-ган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаб-лари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.».

9. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-лиш вазирининг 2010 йил 18 февралдаги 98-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2087, 2010 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўп-лами, 2010 й., 10-11-сон, 82-модда) билан тасдиқланган Қурилиш керамикаси ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар қурилиш керамикаси ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нор-матив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қои-далари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

в) 5, 6 ва 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-

ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.»;

е) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»;

ё) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

ж) 29-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 30-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»;

и) 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.»;

й) 32 ва 33-бандлардаги «тиббий кўрик» ва «тиббий кўриклар» деган

сўзлар тегишли равишда «мажбурий тиббий кўрик» ва «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 34 ва 35-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Иш берувчи мажбурий тиббий кўриктан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

35. Ташкилот майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

л) 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

м) 54-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

н) 2-бобнинг 10-параграфи номидаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талабига мос келиши керак.»;

п) 61-банддаги «канализацияга» деган сўз «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 67-банддаги «канализацияланган» деган сўз «оқова сувлар тизимига уланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 68-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. Ташкилотда оқова сувлар тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш оқова сувларига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.»;

т) 69-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос келиши» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

у) 79-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.»;

ф) 86-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«86. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишла-тиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоида-лари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.»;

х) 113-банддаги «ҚМҚ 2.09.19-97 «Нефть ва нефть маҳсулотлари омбор-лари» талабларига» деган сўзлар «ШНҚ 2.09.19-22 «Нефть ва нефть маҳсу-лотлари омборхоналари» талабларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 10 мартдаги 102-Б-сон буйруғи (рўйхат рақа-ми 2091, 2010 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 13-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Деталларни гид-роқумпуркаш ва майдалаб пуркаш ва кимёвий ишлов бериш усуллари билан тозалашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар деталларни гидроқумпуркаш ва майдалаб пуркаш ва кимёвий ишлов бериш усуллари билан тозалашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нор-матив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қои-далари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

в) 6-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқнома-лари ишлаб чиқилади ҳамда ташкилот ходимларини ва иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатила-ди.»;

д) 38 — 42-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходим-ларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақа-ми 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.

39. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси кўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили дастлабки (меҳнат шартномасини туза-ётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши лозим.

40. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатув-чи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томо-нидан ўтказилади.

41. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий

тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

42. Ходим ҳолсизланиб, заҳарланганлигига гумон бўлганда ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасасига, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилиши лозим.»;

е) 49-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98 -98» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 70-банддаги «канализацияга» деган сўз «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 75-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«75. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

з) 2-бобнинг 9-параграфи номидаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 81-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«81. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талабига мос келиши керак.»;

й) 82 ва 88-бандлардаги «канализацияга» деган сўз «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 89-банддаги «Канализация» деган сўз «Оқова сувлар тизими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 90-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 92-банддаги «канализацияси» деган сўз «тизими» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 93-банддаги «канализациясининг» деган сўз «тизимининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

о) 94-банддаги «Канализацияни» деган сўз «Оқова сувларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 95-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«95. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.»;

р) 112-банддаги «канализацияга» деган сўз «оқова сувлар тизими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 9 мартдаги 101-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2092, 2010 йил 8 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 115-модда) билан тасдиқланган Кўзи ожизлар

жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 5, 6 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.»;

г) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

д) 14-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

17. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.»;

ж) 18 ва 19-бандлардаги «тиббий кўрик» ва «тиббий кўриклар» деган сўзлар тегишли равишда «мажбурий тиббий кўрик» ва «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Ташкилот майдонлари ва биноларнинг жойлашуви ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш» талабларига мос бўлиши керак.»;

и) 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

й) 56-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

к) 2-бобнинг 10-параграфи номидаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 62-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«62. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Би-ноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талаби-га мос келиши керак.»;

м) 65 ва 66-бандлардаги «канализация» ва «канализациясига» деган сўз-лар тегишли равишда «оқова сувлар» ва «оқова сувларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 67-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос кели-ши» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 71-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инobatга олинган ҳол-да, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.»;

п) 106-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«106. Ташкилотларнинг бино ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш ШНҚ 2.07.02-24 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган ва ҳаёт фаолияти чекланган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инobatга олган ҳолда лойиҳалаштириш» талабларига мувофиқ амалга оширилиши ло-зим.».

12. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 24 мартдаги 107-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2100, 2010 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 134-модда) билан тасдиқланган Ногиронлиги бўл-ган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар — уруш қатнаш-чилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нор-матив ҳужжатлар, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қои-далари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.»;

б) 5, 6 ва 12-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевоси-та ташкилот раҳбарига бўйсунadi.»;

г) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқнома-лари ишлаб чиқилади ва ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.»;

д) 14-банддаги «даврий тиббий кўрикдан» деган сўзлар «дастлабки

(меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

17. Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Мажбурий тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.»;

ё) 18 ва 19-бандлардаги «тиббий кўрик» ва «тиббий кўриклар» деган сўзлар тегишли равишда «мажбурий тиббий кўрик» ва «мажбурий тиббий кўриклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.02-23 «Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари»га мос келиши лозим.»;

з) 54-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54. Шамоллатиш ва иситиш ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.»;

и) 2-бобнинг 10-параграфи номидаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

й) 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Сув билан таъминлаш ва оқова сувлар тизими ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш» талабига мос келиши керак.»;

к) 63-банддаги «канализация» деган сўз «оқова сувлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«64. Ташкилотда оқова сувлар тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантормасликка ва ишлаб чиқариш оқова сувларига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.»;

м) 65-банддаги «ҚМК 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос келиши» деган сўзлар «ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 69-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан тасдиқланган Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлигининг талаблари инобатга олинган ҳолда, ташкилотларнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**282 Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo‘shimcha va
o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3467-4*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-apreldagi PF–66-son “Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida davlat nazoratini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 29-apreldagi 281-son “Yarim tayyor zargarlik buyumlarini O‘zbekiston Respublikasi bojxona hududidan tashqariga olib chiqish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-oktabrdagi 14-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3467, 2023-yil 27-oktabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.10.2023-y., 10/23/3467/0806-son) bilan tasdiqlangan Davlat xizmatlari yagona reyestriga ilovaga** muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-may,
15-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-mayda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I**283** Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3020-2*

O'zbekiston Respublikasining "Nodavlat notijorat tashkilotlari to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2018-yil 1-iyundagi 308-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3020, 2018-yil 1-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 09.06.2018-y., 10/18/3020/1332-son) bilan tasdiqlangan Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan boshlab uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-may,
16-mh-son

Kelishildi:

***O'zbekiston nodavlat notijorat
tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi
kengashi raisi***

K. ISHANXODJAYEV

2025-yil 26-may

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-mayda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi
16-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi
rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor qilish
tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom tegishli adliya organlarida ro'yxatga olingan nodavlat notijorat tashkilotlari, ularning alohida bo'linmalari, bosh tashkiloti O'zbekiston Respublikasidan tashqarida joylashgan xalqaro nodavlat notijorat tashkilotlarining va chet el nodavlat notijorat tashkilotlarining vakolatxonalari va filiallari, diniy tashkilotlarning (bundan buyon matnda nodavlat notijorat tashkilotlari deb yuritiladi) o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbirlari (bundan buyon matnda tadbir deb yuritiladi) haqida xabardor qilish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Nodavlat notijorat tashkiloti tomonidan konferensiya, seminar, trening, yig'ilish, aksiya, davra suhbat, uchrashuv, simpozium va boshqa shakllarda shaxslarni O'zbekiston Respublikasi yoki xorijiy davlat hududida to'planishini tashkil qilish, shuningdek nodavlat notijorat tashkiloti vakillarining xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog'liq tashriflari uyushtirilishi nodavlat notijorat tashkiloti tadbiri hisoblanadi.”.

3. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Nodavlat notijorat tashkilotlari tomonidan O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyaviy tuzumini zo'rlik bilan o'zgartirishni maqsad qilib qo'yuvchi, O'zbekistonning davlat suverenitetiga, hududiy yaxlitligiga va xavfsizligiga qarshi chiquvchi, urushni, ijtimoiy, milliy, irqiy hamda diniy adovatni targ'ib qiluvchi, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlari va erkinliklariga, aholining sog'ligiga, ijtimoiy axloqqa tajovuz qiluvchi tadbirlar o'tkazilishini rejalashtirish va o'tkazish taqiqlanadi.”.

4. 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Tegishli adliya organlarida davlat ro'yxatidan o'tgan yoki hisobga qo'yilgan ikki yoki undan ortiq nodavlat notijorat tashkilotlari hamkorlikda tadbir o'tkazishni rejalashtirganda, mazkur tadbir haqida ulardan birining tegishli adliya organini xabardor qilishi yetarli hisoblanadi, shuningdek nodavlat notijorat tashkilotlari vakillarining xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog'liq tashriflari uyushtirilganda, mazkur tadbir haqida ularning har biri tegishli adliya organini xabardor qilishi lozim.”.

5. 6-bandda:

birinchi xatboshidagi “yozma yoki elektron shaklda” degan so'zlar “Nodavlat notijorat tashkilotlarining elektron platformasi (bundan buyon matnda Platforma deb yuritiladi) orqali” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“tadbir O‘zbekiston Respublikasi hududida chet el fuqarolari ishtirokida yoki xorijiy davlat hududida o‘tkazilishi rejalashtirilganda (bundan ushbu bandning to‘rtinchi xatboshisida ko‘rsatilgan tadbir mustasno) — tadbir o‘tkazilishidan kamida 20 kun oldin;”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“nodavlat notijorat tashkiloti vakillarining xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog‘liq tashriflari uyushtirilishi rejalashtirilganda — tashrif o‘tkazilishidan kamida 7 kun oldin.”.

6. 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Nodavlat notijorat tashkilotlari tadbir haqida tegishli adliya organini xabardor qilishi mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shakldagi Nodavlat notijorat tashkilotlari tomonidan o‘tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbir haqidagi yoki mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq shakldagi Nodavlat notijorat tashkiloti vakillarining xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog‘liq tashriflari uyushtirilishi haqidagi xabarnomani rasmiylashtirgan holda tegishli adliya organiga yuborish orqali amalga oshiriladi.

8. Xabarnomani beruvchi vakolatli shaxs undagi ma‘lumotlarning to‘g‘riligi, shuningdek xabarnomaning o‘z vaqtida yuborilishi uchun mas‘ul hisoblanadi.”.

7. 9-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Nodavlat notijorat tashkiloti quyidagi tadbirlar o‘tkazilishini rejalashtirgan hollarda tadbir o‘tkazilishidan kamida 3 ish kuni oldin tegishli adliya organiga Platforma orqali mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shakldagi xabarnomaning 1 — 8-bandlarida nazarda tutilgan ma‘lumotlar ko‘rsatilgan xat yuboradi;”;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“nodavlat notijorat tashkilotlarining O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi Fuqarolik jamiyati institutlarini qo‘llab-quvvatlash jamoat fondi hamda uning Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridagi alohida bo‘linmalari tomonidan ajratilgan davlat granti va davlat ijtimoiy buyurtmasi doirasida tadbirlarni o‘tkazish rejalashtirilganda;”;

oltinchi xatboshidagi “Yoshlar siyosati va sport vazirligi” degan so‘zlar “Sport vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. Quyidagi mazmundagi 9¹-band bilan to‘ldirilsin:

“9¹. Nodavlat notijorat tashkilotlari vakillarining xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog‘liq quyidagi tashriflari uyushtirilishi rejalashtirgan hollarda tashrif o‘tkazilishidan kamida 1 kun oldin tegishli adliya organiga Platforma orqali mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq shakldagi xabarnomaning 1 — 7-bandlarida nazarda tutilgan ma‘lumotlar ko‘rsatilgan xat yuboradi:

nodavlat notijorat tashkilotining O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari va topshiriqlari asosida tashkil etilishi nazarda tutilgan tashriflari uyushtirilishi rejalashtirilganda;

Olimpiya o‘yinlari va boshqa xalqaro sport musobaqalari doirasida tashriflari uyushtirilishi rejalashtirilganda.”.

9. 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Adliya organiga yuborilgan tegishli xabarnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar uni yuborgan nodavlat notijorat tashkiloti tomonidan o'zgartirilishi mumkin. Bunda nodavlat notijorat tashkiloti tadbir o'tkazilishidan kamida 3 ish kuni oldin (xorijiy davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan bog'liq tashriflar bo'yicha esa — kamida 1 ish kuni oldin) tegishli xabarnomaning o'zgargan bandlarini (kichik bandlarini) qayta to'ldiradi va tegishli adliya organiga yuboradi.”.

10. 11-banddagi “adliya organini qo'shimcha ravishda xabardor” degan so'zlar “xabarnomani bekor” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

11. 12-banddagi “Xabarnomada” degan so'z “tegishli xabarnomada” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

12. 13-banddagi “Xabarnomani” degan so'z “tegishli xabarnomani” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. 14-banddagi “Xabarnomani” va “Xabarnomada” degan so'zlar tegishli ravishda “tegishli xabarnomani” va “xabarnomada” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

14. 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Adliya organlari mazkur Nizomning 6-bandi ikkinchi va uchinchi xatboshilarida nazarda tutilgan tadbirlar bo'yicha tegishli xabarnomaning o'rganish natijalari yuzasidan nodavlat notijorat tashkilotlar tomonidan tadbirlarni o'tkazilishini taqiqlash to'g'risida qaror qabul qilishi mumkin.”.

15. Ilovaning ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nodavlat notijorat tashkilotlarining
o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida
xabardor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga
1-ILOVA”.

16. Mazkur o'zgartirish va qo'shimchalarning ilovasiga muvofiq tahrirdagi 2-ilova bilan to'ldirilsin.

Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi
rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor
qilish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalarga
ILOVA

“Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi
rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor
qilish tartibi to'g'risidagi nizomga
2-ILOVA

Nodavlat notijorat tashkilotlari vakillarining xorijiy
davlatlarga nodavlat notijorat tashkilotining faoliyati bilan
bog'liq tashriflari uyushtirilishi haqida
XABARNOMA

T/r	Xorijiy davlatga uyushtirilishi rejalashtirilayotgan tashrif haqidagi ma'lumotlar		
1.	Nodavlat notijorat tashkilotining to'liq nomi		
2.	Tashrifdan ko'zlangan maqsad		
3.	Tashrif manzili	a) davlat	
		b) viloyat, tuman (shahar)	
4.	Tashrifda ishtirok etishi rejalashtirilgan nodavlat notijorat tashkiloti vakillarining soni		
5.	Tashrifda ishtirok etuvchi nodavlat notijorat tashkiloti vakillari haqidagi ma'lumot (Adliya vazirligi tomonidan akkreditatsiyadan o'tgan chet el fuqarosi bo'yicha ushbu bandning “b” — “d” kichik bandlari to'ldirilmaydi)	a) F.I.O.	
		b) pasport seriyasi va raqami	
		v) JSHSHIR	
		g) ish joyi va lavozimi	
		d) fuqaroligi	
		e) akkreditatsiya kartochkasi raqami	
6.	Tashrifni uyushtirish uchun asos bo'lgan hujjat		
7.	Tashrif uyushtirilishi rejalashtiri-layotgan muddat (yil, oy, kun)	a) muddatdan	
		b) muddatgacha	
8.	Tashrifni moliyalashtirish manbalari (turini ko'rsatgan holda): 1) shaxsiy yoki tashkilot mablag'lari; 2) davlat byudjeti; 3) davlat subsidiyalari, grantlari va ijtimoiy buyurtmalari; 4) xorijiy donorlar homiyligi mablag'lari.		
9.	Tashrifni o'tkazishda hamkorlik qiluvchi tashkilotlarning nomi (agar mavjud bo'lsa)		
	Rahbar	(imzo)	(F.I.O. va telefon raqami)

”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO'MITASINING
QARORI

284 Donni saqlash, quritish, tozalash, tashish va qayta ishlash jarayonidagi kamayish va yo'qotishlarni qoplash uchun moliyaviy zaxirani shakllantirish va undan foydalanish to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1683-I*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 1-iyuldagi 371-son "Texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo'mitasining 2007-yil 25-apreldagi 41, 2006-45-son qarori (ro'yxat raqami 1683, 2007-yil 26-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-yil, 22-son, 230-modda) bilan tasdiqlangan Donni saqlash, quritish, tozalash, tashish va qayta ishlash jarayonida kamayish va yo'qotishlarni qoplash uchun moliyaviy zaxirani shakllantirish va undan foydalanish to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 23-may,
261-son

Soliq qo'mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-may,
2025-10-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 31-mayda e'lon qilingan.

Kelishildi:

Qishloq xo'jaligi vaziri

I. ABDURAXMONOV

2025-yil 1-may

*Agrosanoat majmui ustidan nazorat
qilish inspeksiyasi boshlig'i*

A. VAXABOV

2025-yil 29-aprel

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
23-maydagi 261-son va Soliq qo'mitasining
2025-yil 15-maydagi 2025-10-son qaroriga
ILOVA

**Donni saqlash, quritish, tozalash, tashish va qayta ishlash
jarayonidagi kamayish va yo'qotishlarni qoplash uchun moliyaviy
zaxirani shakllantirish va undan foydalanish to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari bilan hisob-kitob qilish maqsadida donning sifat ko'rsatkichlari bazis tayyorlov konditsiyalari normalari tegishli milliy standartlar bilan belgilanadi.”.

2. 1-ilovada:

a) 1-bandning birinchi xatboshisidagi “Davlat standartlari” degan so'zlar “Milliy standartlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

b) 3-bandda:

sakkizinchi xatboshidagi “standartlar” degan so'z “milliy standartlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'qqizinchi xatboshidagi “Standart” degan so'z “Milliy standart” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 3-ilovaning 4-bandi birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Olingan qo'shimcha mahsulotlar va chiqitlarda foydali donning tarkibi: asosiy don, don aralashmasi va ishlov berilayotgan ekinga belgilangan milliy standart bo'yicha ifloslangan aralashmaga kiruvchi, ushbu ekinlarga belgilangan milliy standartlar bo'yicha esa asosiy donga yoki don aralashmasiga kiruvchi madaniy o'simliklar donlari (ifloslik aralashmasi qismidan ajratib olinadigan) hisoblab chiqiladi”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 22-maydagi 14-mh-son "Mediatorlarni tayyorlash dasturiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.
2025-yil 26-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3134-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 15 майдаги 2-сон "Қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найрангни олдини олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3625.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг 2025 йил 22 майдаги 2025-08-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 22 майдаги 259-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 16 майдаги 11/2-сон "Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2025 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-6.

4. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2025-yil 15-maydagi 16-son va Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 6-maydagi 17-son "Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2472-4.

5. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2025 йил 25 апрелдаги 11-2025/Б-сон "Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3626.

6. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi 15-mh-son "Davlat xizmatlari yagona reyestriga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3467-4.

7. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 26-maydagi 16-mh-son "Nodavlat notijorat tashkilotlarining o'tkazilishi rejalashtirilayotgan tadbirlari haqida xabardor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3020-2.

8. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 23-maydagi 261-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 15-maydagi 2025-10-son "Donni saqlash, quritish, tozalash, tashish va qayta ishlash jarayonidagi kamayish va yo'qotishlarni qoplash uchun moliyaviy zaxirani shakllantirish va undan foydalanish to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 28-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1683-1.

